

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

Парламент хабарлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари кун тартибига киритилган бир қатор масалалар қаторида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди. Муҳокама чоғида тушган таклифлар эътиборга олинди, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси А.Тўхтабоевнинг маърузаси бўйича депутатлар «Хорижий инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини қўллашнинг тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти доирасида қабул қилинган халқаро шартномаларга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақидаги қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқди. Ушбу масалалар бўйича Мудфаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзолари И.Коренев, Н.Каримов, У.Исмоилов маъруза қилдилар. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси кўриб чиқилган қонунларни қабул қилди.

«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Н.Алимов маъруза қилди. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси С.Маҳмудов «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Мазкур ҳужжатнинг модда-модда муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

АХБОРОТ ХАБАРНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Солиқ сиёсати бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида» қарори давлат рўйхатидан ўтказилганлигини солиқ тўловчиларга маълум қилади (рўйхат рақами 1760, 2008 йил 21 январь)*.

Солиқ ҳисоботи шакллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz сайтида жойлаштирилган.

* Тахририятдан – Солиқ ҳисоботи шакллари сиз «Norma» АХТдан, шунингдек www.norma.uz сайтининг эркин фойдаланиш учун очик бўлган «Қонунчиликдаги янгиликлар» бўлимидан топа оласиз.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ФРАНЦИЯ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНАМИЗ

2008 йил 23-28 январда Тошкентда халқаро эксперт, Франция иқтисодиёт ва молия вазирлиги вакилининг ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф Франция Халқаро техник ҳамкорлик агентлиги, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси иқтисодий миссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва БМТ Ривожланиш дастурининг «Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти» кўшма лойиҳаси кўмағида ташкил этилган.

Полтр де Ламот республика вазирликлари ва идоралари ходимлари билан солиқ қонунчилигини такомиллаштириш масалалари ва Ўзбекистон солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг бундан кейинги йўналишлари бўйича бир қатор учрашувлар ўтказди. 25 январда халқаро маслаҳатчининг иштирокида Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ходимлари, шунингдек солиқ солиш соҳаси экспертлари учун семинар ўтказилди, унда иштирокчилар Франция ва Европа Иттифоқи солиқ тизими, халқаро солиқ солиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти, Ўзбекистонда солиқ ислоҳоти истиқболларининг муҳокамаси билан таништирилдилар.

Семинарда юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш масалалари, маҳаллий, минтақавий ва ресурс солиқларини тўлаш хусусиятлари, Франция солиқ маслаҳати институтининг фаолияти кўриб чиқилди. Иштирокчилар солиқ маъмуриятчилиги масалалари, хусусан, суд муҳокамалари ва жарима жазоларини қўллаш амалиёти ҳамда солиқ тўламаётганлар билан ишлаш масалалари билан таништирилдилар. Францияда қўшилган қиймат солигини қўллаш ва уни қайтариш, норезидентларнинг даромад ва мол-



мулкига солиқ солиш, шунингдек икки тарафлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битимларни қўллашнинг ҳуқуқий амалиёти давлат органлари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Франция ва Европа Иттифоқида солиқ солишнинг назарий асосларига бағишланган иккинчи семинар 26 январда Солиқ академияси, Банк-молия академияси ва Тошкент молия институти ўқувчилари учун ўтказилди.

Қонун томонидан кучли регламентланган, солиқ қонунчилиги барқарор тусдалиги, икки тарафлама солиқ солишдан ҳимоя қилиш механизмлари билан ажралиб турадиган Франция солиқ тизими ушбу соҳани ислоҳ қилишнинг ижобий тажрибасига мисолдир. Ижтимоий йўналганлик, даромад солиғининг алоҳида ўрни, худудий жиҳатларнинг ҳисобга олинishi, солиқ имтиёзлари ва преференцияларининг кенг тизими ҳам унинг ўзига хослигидир.

Жаноб Полтр де Ламот Франция иқтисодиёт ва молия вазирлигида 25 йилдан кўпроқ ишлаган, бу ерда у ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш, маҳаллий солиқлар, халқаро солиқ солиш ва солиқ низолари соҳаларига ихтисослашган. Унинг солиқ-молия тизимидаги катта тажрибаси семинарлар савиясини оширди. Уларда олинган билимлар Ўзбекистонда солиқ муҳитини яхшилашга хизмат қилади. Ўз ташрифининг якунида халқаро маслаҳатчи Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ва солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берди.

Халқаро маслаҳатчининг ташрифи тўғрисидаги қўшимча ахборот ва семинарлар материаллари билан www.publicfinance.uz сайтида танишиш мумкин.

Ўз ахборотимиз.

ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда 25 январь куни Ўзбекистон хусусий сектор учун малакали кадрлар тайёрлашнинг истиқболига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон Бизнес форуми» лойиҳаси ҳамда Буюк Британия кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуман кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва хусусий сектор мутахассислари малакасини ошириш ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича экспертлар кенгашлари доирасида ўтказилди.

Тадбирда мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча соҳалари қатори кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тармоқда малакали мутахассислар тайёрлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури юр-

тимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Баркамол, мустақил фикрловчи шахсни тарбиялаш, етук мутахассислар тайёрлашга қаратилган ушбу ҳужжатларнинг тизимга изчил татбиқ этилиши ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан 2008 йилнинг мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш имконини беради.

Анжуманни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиётнинг мазкур йўналишини янада такомиллаштиришга ҳисса қўшадиган малакали кадрлар тайёрлаш, тармоқда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва тажриба алмашишдан иборат.

– Юртингизда таълим тизими ривожига катта эътибор қаратилаётгани, ёшларнинг пухта билим олиши учун қулай шарт-

шароит яратилганига гувоҳ бўлдик, – деди Буюк Британиянинг Суррей университети қошидаги менежмент мактаби етакчи мутахассиси Альф Кросман. – Ўзбекистон билан менежмент ва бизнес тармоғи учун кадрлар тайёрлаш борасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятидамиз.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилгани, бу борада олиб борилаётган ишларнинг узлуксизлиги, сифати ва самарадорлигини таъминлашда кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани, кадрлар тайёрлашда давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг фаол иштироки йўлга қўйилганига юқори баҳо бердилар.

Анжуманда олий таълим соҳасида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, бизнес таълимни янада такомиллаштириш, хусусий секторни ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

ФЕРМЕРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизда 212 мингдан ортик фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларнинг иқтисодиётимиздаги ўрнини янада юксалтириш халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Бунда соҳа вакиллари иқтисодий ва ҳуқуқий билиминини кенгайтириб бориш муҳим ўрин тутди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида тайёрланган «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари» китоби шу мақсадга хизмат қилади.

Мазкур китобнинг тақдиротида шулар ҳақида сўз борди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фермер хўжалиқларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш борасидаги улкан эътибор ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Китобда фермер хўжалиқларини ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир норматив-ҳуқуқий базага алоҳида ўрин берилган.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

УШБУ СОНДА	2-бет	3-бет	4-бет	5-10-бетлар
	Янги ҳужжатларни тақдим этамиз	Бизнинг шарҳ: табиий монополиялар ҳақида	Низолар судда ҳал қилинади	Янги ҳужжатларда қандай янгиликлар бор?
	\$1 = 1294,17 сўм	€1 = 1888,97 сўм	£1 = 2531,78 сўм	¥10 = 121,44 сўм

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2008
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дний • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Кларксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

www.interpress.uz

119-0000
155-0955

Тел./факс: (99897)

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

МОНОПОЛИЯЛАР ЖОЗИБАЛИ БЎЛИБ ҚОЛДИ

«ТАБИЙ МОНОПОЛИЯЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУНГА* ШАРҲ

Табиий монополиялар бутун жамият учун муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Бу аввало уларнинг фаолияти бутун жамиятга дахл этиши билан боғлиқ, шу сабабли ундаги ҳар қандай ўзгаришлар давлат иқтисодиёти ва унинг фуқаролари фаровонлигига беvosита ёки билvosита таъсир кўрсатади. Бу эса давлатни табиий монополиялар фаолиятини пухта назорат қилиш ва улар ўтказаятган иқтисодий сиёсатнинг хусусияти учун жавобгар бўлишга мажбур қилади.

Табиий монополиялар аломатларига эга бўлган тармоқлар сирасига электр энергетикаси, газ саноати, нефтни ташиш, темир йўл транспорти, алоқанинг кўп тармоқлари қиради. Тармоқларга бўлиниш, энергия сифими ёки нодир ресурслардан фойдалана олиш уларга хос бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайганда харажатларни жиддий те-

Ернинг табиий ресурслари, шу жумладан ҳаво, ер, флора ва фауна ва, айниқса, табиий экотизимларнинг репрезентатив намуналари пухта режалаштириш ва заруратга қараб бошқариш йўли билан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаати учун сақлаб қолиниши керак.
БМТнинг 1972 йил 16 июндаги Стокгольм декларацияси 2-қондаси

хатдан энг мураккаб масала бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, табиий монополия тармоқларининг бошқа шаклларга ўтиш суръатлари ва шакллари турличадир. Масалан, иқтисодиётда анъанага кўра давлатнинг роли катта бўлган Европада табиий монополия тармоқларида давлат мулкнинг улуши катталигича қолмоқда, уларга рақобатни жорий этиш сиёсати эса кўп жиҳатдан миллий бозорларнинг чет эллик ҳамкорлар учун очиклигида ифодаланади.

Мамлакатимизда табиий монополиялар икки йўл билан тартибга солиноқда:

- 1) кўрсатилаётган хизматлар ва товарларга нархлар (тарифлар)нинг чекланган даражасини белгилаш;
- 2) мажбурий равишда хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар доирасини аниқлаш ва истеъмолчиларнинг табиий монополиялар субъек-

корликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида» (2005 йил 2 май, ПҚ-66-сон) қарорлар муҳим босқич бўлди.

Яқинда қабул қилинган «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун (2007 йил 7 декабрь, ЎРҚ-120-сон, бундан кейин ЎРҚ-120-сон Қонун) аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, шунингдек асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларни асоссиз кўпайтиришга йўл қўймасликка хизмат қилади.

Чунончи, табиий монополиялар субъектларининг фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш белгиланган соҳаларнинг рўйхатини ўз ичига олган 4-модда транспорт терминалларининг хизматлари билан тўлдирилди. Буни юрларни сақлаш, ортиш-тушириш ишлари, омбор операциялари амалга ошириладиган пунктларда боғжонага оид ва бошқа таомилларни ўтказиш даврида рақобатни ривожлантириш технологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги тақозо этган. Шу сабабли мазкур соҳадаги давлат назорати хизматлар қийматини асоссиз равишда оширишнинг олдини олади, шунингдек тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Табиий монополиялар тармоқларини монополиядан чиқаришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ушбу соҳаларга хусусий капитални жалб этиш мақсадида «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида келтирилган монополияга қарши давлат

давлат ҳокимияти органларининг мувожаатлари ҳамда прокуратура органларининг тақдимномалари табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун асос бўлади. Модданинг аввалги таҳририда ўзи ўтказган текширишларнинг материаллари, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг аризалари, шунингдек прокуратура тақдимномаларига ана шундай асослар ҳисобланарди.

Табиий монополиялар субъектларининг ҳуқуқларини белгилайдиган 14-моддага ҳам қўшимча киритилди. Энди улар табиий монополия шароитларида реализация қилинадиган товар (иш, хизмат)лар нархларини (тарифларини) ваколатли органни албатта хабардор қилган ҳолда барча истеъмолчилар учун бир вақтнинг ўзида мустақил пазитира оладилар. Буни ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва турли тоифадаги истеъмолчиларни камситишга йўл қўймаслик истаги тақозо этди.

Табиий монополиялар субъектларининг мажбуриятларини белгилайдиган 15-моддага киритилган қўшимчалар уларга нархлар (тарифлар) ёки уларнинг энг юқори (энг паст) даражалари тасдиқланаётганда ҳисобга олинмаган асосий воситаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов асосида харид қилиш; табиий монополия шароитларида товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) учун амалга ошириладиган тўғридан-тўғри харажатларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиш мажбуриятини юқлайди.

Ушбу меъёрларни жорий этиш табиий монополиялар маҳсулотига доир нархлар (тарифлар)ни ўстириш ҳисобига олинган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради, етказиб берувчилар ўртасида рақобатни ривожлантиришга, шунингдек асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ, ўз навбатида нархлар (тарифлар) ўсишига оид келадиган харажатларни асоссиз равишда кўпайтиришга йўл қўймасликка хизмат қилади. Бундан ташқари, улар харажатларни ҳисобга олишнинг ошқора усулларини жорий этишга ҳамда нархлар ва тарифларни асоссиз равишда кўпайтиришга йўл қўймасликка ёрдам беради.

Шуни қайд этиш лозимки, ЎРҚ-120-сон Қонуннинг қабул қилиниши нафақат монополияга қарши қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган бир қатор зиддиятларни бартараф этиш, балки халқ хўжалиги комплексининг энг муҳим соҳаларидан бири – табиий монополияларни бошқаришни анчагина такомиллаштириш имконини ҳам берди. 2008 йил 1 январга келиб Давлат реестрида 11 хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган (хизмат кўрсатадиган) 300 нафар табиий монополия субъекти рўйхатдан ўтказилган.

Давлатимиз уларнинг истеъмолчиларига ҳам, ишлаб чиқарувчиларга ҳам турлича мадад кўрсатмоқда. Хусусан, аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматларга доир қўшилган қиймат солиғининг ноль даражали ставкаси жорий этилди, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича имтиёзлар берилмоқда, муҳандислик инфратузилмасини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, такомиллаштириш лойиҳалари амалга оширилмоқда, меъёрий-ҳуқуқий база ривожланмоқда. «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун бугунги кунда ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солишнинг икки асосий йўналиши биринчи ўринга чиқаётганлигидан далолат беради: биринчидан, табиий монополиялар томонидан бозордаги устувор ҳолатидан фойдаланишнинг олдини олиш ва уни чеклаш ва, иккинчидан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш.

Дмитрий ОГАЙ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги
институтининг етакчи илмий
ҳодими.



жаш имконини беради. Шу сабабли жамиятга умуман олганда ушбу тармоқларнинг монополиячи бўлишини қўллаб-қувватлаш фойдалидир.

Табиий монополиялар, бозор тузилмасининг бошқа корхоналаридан фарқ қилиб, иқтисодий муносабатлар тизимида алоҳида ўрин тутади. Бу ҳол уларнинг ноёб хоссалари ва иқтисодиётдаги ўзига хос ўрни билан белгиланади. Иқтисодий назария оdatда ишлаб чиқаришнинг ялпи чиқимлари худди шундай ҳажми икки ёки ундан кўп фирма ўртасида тақсимлагандан кўра биргина фирма маҳсулот ишлаб чиқарганда кам бўладиган тармоқни табиий монополияларга қиритади. Чекланмаган рақобат натижасида биргина фирма қоладиган ёки рақобатчи кучлар рақобатсиз тузилмада иш юритадиган тармоқ ҳам табиий монополия деб тан олинади.


Хорижий мамлакатлар қонунчилигида, масалан, Буюк Британияда табиий монополия ўрнига кўпинча «public utilities» атамасидан фойдаланилади, чунки уни қўллаш ҳам тарихан, ҳам юридик жиҳатдан мустаҳкамланган. «Public utilities» концепцияси корхоналарни мазкур тоифага киритиш учун мезон бўлиб бартараф этилмайдиган (табиий) монополиянинг мавжудлиги ва биринчи даражали ижтимоий аҳамиятга молик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобланишини тақозо этади. Корхонани «public utilities»га расман киритиш шуни англатадики, агар у хусусий мулк ихтиёрида бўлса, давлат томонидан тартибга солиниши керак.

Табиий монополияларни давлат томонидан тартибга солиш оdatда маҳсулотнинг ҳар қандай тўловга қобил шахсга тенг шароитларда етказиб берилишини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг хавфсизлиги, сифатнинг юқори стандартлари сингари масалаларни қамрайди. Уларни ҳал этиш кўп даражада техник, тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғланган. Нархларни бошқариш асосий, иқтисодий ва сиёсий жи-

тлари томонидан реализация қилинаётган товарга эҳтиёжларини тўлиқ ҳажмда қондириш мумкин бўлмаган тақдирда уларни таъминлашнинг энг кам даражасини белгилаш.

Мамлакатимизда табиий монополиялар субъектларининг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, шунингдек истеъмолчилар, давлат ва табиий монополиялар субъектлари манфаатларининг мувозанатда бўлишини таъминлаш «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонунга (1997 йил 24 апрель, 398-1-сон) мувофиқ амалга оширилади. Мазкур Қонуннинг 3-моддасига кўра табиий монополия деганда товар бозорининг шундай ҳолати тушуниладики, унда технологик хусусиятлар туфайли муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришнинг рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмас ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Шу билан бирга давлат табиий монополиялар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни мунтазам такомиллаштириб бормоқда. Ушбу тармоқларни ислоҳ қилишда Президент томонидан қабул қилинган «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2005 йил 11 февраль, ПҚ-5-сон) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбир-



органи ваколатларининг рўйхати табиий монополиялар тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назарда тутадиган хатбоши билан тўлдирилди.

Шунингдек устувор ҳолатни суиистеъмол қилишнинг олдини олиш ва табиий монополиялар субъектларининг ноқонуний ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадида 11-моддага ўзгартишлар киритилди, уларга кўра назорат вазибаларини амалга ошириш чоғида монополияга қарши орган томонидан олинган материаллар, шу жумладан табиий монополия субъектлари фаолиятини текшириш ва таҳлил қилишга доир материаллар, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий

* «Норма маслаҳатчи»нинг 2007 йил 21 декабрдаги 51 (128)-сонида чоп этилган.

ҚАРЗ ЧИГАЛЛИКЛАРИ

НИЗОНИНГ МОҲЯТИ

Ташкилот корхона билан иккита қарз шартномасини тузди. Улардан бирига кўра пул маблағлари фойзсиз қарзга берилган, иккинчиси-га кўра тўлашга асосланиб берилган. Қарз олувчи қарз берувчининг фойдасига белгиланган муддатларда на биринчи, на иккинчи шартнома бўйича тўловларни амалга оширган. Кейинроқ у ташкилотга пул маблағларининг бир қисmini ўтказган, уларни ташкилот иккала шартнома бўйича қарзларни ўз вақтида қайтармаганлик учун жарима ва иккинчи шартнома бўйича фойзаларни тўлаш сифатида қабул қилган ҳамда хўжалик судига корхонадан қолган қарзни ундириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган.

Хўжалик суди ташкилотнинг даъвосини қондиришдан бош тортиди. Тарафлар қарзни навбатма-навбат сўндириш тўғрисида алоҳида битим тузмаганликлари ҳисобга олиб, суд Фуқаролик кодексининг 248-моддасига асосан корхона томонидан тўланган пул маблағларининг бир қисmini тўлиқ ҳажмда иккинчи шартнома бўйича фойзаларни сўндириш деб, қолган қисmini эса иккала шартнома бўйича қарз суммаларини қисман қайтариш деб топишга қарор қилди.

Иш кассация тартибда қайта кўрилиши чоғида Олий хўжалик судининг суд хайъати биринчи инстанция судининг хулосаларини қонунга мувофиқ деб топди ва у қабул қилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос топмади.




ИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ХУЛОСА

Қарз олувчи қарз шартномаси бўйича тўлайдиган, қарзнинг асосий суммасини тўлиқ ҳажмда қайтариш ва унга доир фойзаларни тўлаш учун етарли бўлмаган пул маблағлари суммаси биринчи навбатда фойзалар бўйича қарзни сўндиришга, қолган қисми эса – қарз суммасини сўндиришга, агар қарз берувчи билан битимда бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, йўналтирилади.

ВАЗИЯТНИ БАҲОЛАШ

Даъвогар қарз берувчининг ушбу низодаги хатоси шундан иборатки, у қонун билан белгиланган, қарз олувчи томонидан тўланадиган пул маблағлари етарли бўлмаганда қарз шартномаси бўйича қарзни сўндиришнинг навбатлигини, шунингдек навбатдаги тўловлар рўйхатида неустойканинг мавжуд эмаслигини ҳисобга олмаган.

Ўзи учун манфаатли бўлган навбатлилик вариантини қўллаш учун уни контрагент билан келишиш ва ёзма равишда қайд этиб, қарз шартномаси матнига тегишли қоидаларни киритиш, шартнома имзоланганидан кейин исталган даврда, бироқ хўжалик судига мурожаат қилинишигача, алоҳида шартномани расмийлаштириш зарур. Қарз берувчи ушбу масалани бир томонлама тартибда ҳал қила олмайди. Агар тарафлар ўртасида битим бўлмаса, Фуқаролик кодексининг 248-моддаси билан белгиланган навбатлилик қўлланади: биринчи навбатда кредиторнинг ижрони олишга қаратилган чиқимлари, сўнгра – фойзалар, қолган қисмдан эса – қарзнинг асосий суммаси сўндирилади. Моддада «кредиторнинг ижрони олишга қаратилган чиқимлари» деганда нима тушунилиши изоҳ-



лаб берилмаган. Шу сабабли суд қарз суммаси ва унга доир фойзаларни ўз вақтида тўламаганлик учун неустойка кўринишида белгиланган жавобгарлик чораси бундай чиқимларга киритилиши мумкин эмаслигини кўрсатди, чунки у қарз берувчининг чиқимлари ҳисобланмайди.

ФКнинг 248-моддасида неустойка тўғрисида умуман ҳеч нарса дейилмаганлигига ҳам эътиборни қаратиш керак. Бунинг маъноси шуки, у қарз олувчи асосий қарз ва фойзалар ҳисобидан тўлаган маблағлар ҳисобидан ушбу модданинг қоидаларига кўра сўндирилиши мумкин эмас. Жарима жазоларини тўлаш тўғрисида алоҳида талаб баён қилиниши керак.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари шуни билишлари лозимки, улар қарз шартномасини тузиш босқичида ёки ундан кейин исталган вақтда, бироқ хўжалик судига мурожаат қилгунга қадар, қарз олувчи томонидан шартнома бўйича тўланадиган суммалар етарли бўлмаган тақдирда, қарз берувчининг пул талабларини сўндириш навбатини белгилашга ҳақлидирлар. Қарз шартномасига тегишли шартларни киритиб ёки алоҳида битим тузиб, буни амалга ошириш мумкин.

Артём МОКШИН,
«Norma» МЧЖнинг юридик мавзуларда эксперт-таҳлилий материалларни тайёрлаш бўлими бошлиғи.

Хорижий қонунчилик янгиликлари

ҲАҚАМЛИК СУДИ ШАРҲЛАБ БERAДИ

Россия Олий арбитраж судида «Процессуал сўров тўғрисида»ги қонун лойиҳасига тавсиялар ишлаб чиқилмоқда, унга кўра куйи инстанция суди қонундаги зиддиятларни аниқлаб, унга доир иш юритишни тўхтатиши ва Олий арбитраж судига муайян қоидаларни шарҳлаш тўғрисида сўров билан мурожаат қилиши мумкин.

Бироқ суд фақат Олий арбитраж суди ҳали ўз позициясини баён қилмаган прецедент сўровларини кўриб чиқади ва жавоб ишга доир қарорни белгилаб бермайди, балки худди шундай ишлар бўйича арбитраж суди қўллаши керак бўлган ҳуқуқ позициясини ичига олади.

Ўғирланган активларни қайтариш йўли

РФ Олий арбитраж суди пленуми рейдерлар, яъни мулкни эгаллаб олувчиларга қарши курашишда ёрдам бериши керак бўлган қарорни тайёрламоқда. Хужжатда ҳалол харид қилувчини ҳимоя қилиш ва ашёларни, шу жумладан хужжатлаштирилмаган қимматли қоғозларни ноқонуний эгалликдан талаб қилиб олиш тўғрисидаги қоидалар, шунингдек харидорнинг ноҳалоллиги аломатлари: унинг харид қилинаётган мол-мулк ёки акциялар тўғрисида суд низоси борасидаги хабардодлиги, аффилиланганлиги, бозор нархидан аста паст нархда сотиш, қисқа муддат ичида бир талай битимларни тузиш ҳоллари қайд этилади. Шунингдек хужжатда ўғирланган активларнинг мулкдори қайси ҳолларда уларни қайтариб олиши мумкинлиги белгиланади.

Рейдерлар, одатда, компаниялар менежментининг юридик жиҳатдан саводсизлигидан фойдаланиб қолишади.

Бўлғуси харидорни сотишга таклиф қилинаётган мол-мулк бўйича суд низосининг мавжудлигидан ўз вақтида хабардор қилиш уни бундан кейинги суд чиқимларидан халос қилиши мумкин.

Хорижий матбуот саҳифаларидан.



Ноанъанавий савол

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ҚИРРАЛАРИ

? Биз мижозлар базасини Ехседа юритамиз, бироқ маслаҳатчилар CRM русумидаги ахборот технологиялари тизимига ўтишни тавсия қилишмоқда. Шундай қилсак тўғри бўладими?

– Ҳозирги вақтда бизнесни малакали бошқариш зарур. Иш самардорлиги ва корхонанинг фойда олишини ошириш учун, бошқа воситалар билан бир қаторда, CRM технологияларидан ҳам фойдаланилади. CRM (Customer Relationship Management) қисқартмаси «мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш» деб шарҳланади. CRM ахборот билан ишлаш бўйича дастакларнинг бутун бир мажмуи бўлиб, уларнинг шахсий қизиқишларини ҳисобга олиш асосида мижозлар билан ҳамкорлик қилишга йўналтирилган бизнес жараёнларини (сотиш, маркетинг, хизмат кўрсатиш) автоматлаштириш, мақбуллаштириш ва уларнинг самардорлигини ошириш имконини беради.

CRM тизимини жорий этиш афзалликларини шундаки, у мижозларнинг эҳтиёжларини янада аниқроқ тушуниш, шунингдек чиқимларни қисқартириш ва сотиш ҳажмларини кўпайтириш (бир менежерга 10%га-ча)га ёрдам беради. Савдо агентлари янада самаралироқ ишлай бошлашади, мижозлар хоҳиши қаноатлантирилади, бу эса кўшимча сийловларга эҳтиёжни камайтиради ва молиявий самарани оширади (тахминан бир битимга 1-3%).

Тизим жорий этилганидан кейин маъмурий чиқимлар камаяди ва бир қолипдаги жараёнларни автоматлаш-

тириш ҳисобига маркетинг юз беради. Мижозларнинг эҳтиёжларини шахслаштириш бозорнинг мақсадли сегментларини янада аниқроқ белгилаш ҳамда компаниянинг маҳсулот ва хизматларини уларга йўналтириш имконини бериб, ноликвид товар харажатларини қисқартиради.

CRM тизимлари куйидаги компанияларда айниқса зарур:

– ўз маҳсулотини савдо шохбчалари ва майда улгуржи базалар орқали тарқатадиган минтақавий ишлаб чиқарувчиларда. Улгуржи харидорлар сони кескин чекланган ва маҳсулотига афзаллик берилган харидорлар кўпинча мижознинг ишлаб чиқарувчи билан ўзаро шахсий муносабатига боғлиқ бўлади. Кичик бизнес маркетинг тадқиқотларига салмоқли маблағлар сарфлай олмайди, шу сабабли таҳлилнинг автоматлаштирилган тизимлари тадбиркорга сезиларли ёрдам кўрсатиши мумкин;

– кичик улгуржи фирмалари ҳам рақобатчилар фаолиятини кузатиш, турли ишлаб чиқарувчилар товарларининг кенг ассортименти қўллаб-қувватлаш, мижозлар эҳтиёжларини аниқ қондириш учун CRM тизимларига муҳтож;

– гоётда қаттиқ рақобат шароитида турли хизматлар кўрсата-



диган компанияларда. Ҳар бир мижозга алоҳида ёндашув бундай компаниялар муваффақиятининг гаровидир. Бинобарин, улар CRM тизимларисиз умуман ишлай олмайдилар.

CRM тизимлари асосан тиғиз рақобат бозорларида энг кўп фойда келтиради. Айни у ерда фаолиятни мижозлар базасининг таҳлилига мувофиқ режалаштирмаса, фирма самарали ишлашини тасаввур қилиш қийин.

Агар компаниянгиз тавсифланган компанияларга кирса, лекин ҳали машҳур ишлаб чиқарувчиларнинг дастурий маҳсулотлари учун катта миқдорда суммалар тўлаш имкониятига эга бўлмаса, улар хизматларининг дарҳол тўлиқ

Бизнесда муаммога дуч келдингизми?

Марҳамат, саволларингизни normapress@mail.ru манзилига юборинг, биз ўз тажрибамизга ва етакчи маслаҳатчиларнинг иш тажрибасига таяниб ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Шунга қарамай, бизнинг маслаҳатларимизга тўғридан-тўғри кўрсатма деб қарамаслигингиз керак – сиз улардан хоҳишингизга қараб фойдаланишингиз (ёки фойдаланмаслигингиз) мумкин. «Norma маслаҳатчи» шу руқн остида эълон қилинган тавсияларга асосланиб, қилган ҳаракатларингиз учун жавоб бермайди.

бўлишига интилмаслик керак. Эҳтимол, сизга ҳозир катта (ва қиммат турувчи) CRM тизими вазибаларининг фақат бир қисми керакдир, шу боис анча арзон турадиган, бироқ ўсиб борадиган ва CRM тизимидан фойдаланишнинг муайян шароитларига мослашишга тайёр тизимларга эътибор қаратган яхшироқдир.

Рақобат оз бўлган бозорда ишловчи компанияга CRM умуман керак эмас. Агар мижозларнинг рўйхати бир варақ қоғозга жойлашса, тўлақонли CRM тизими ҳам зарур бўлмаса керак. Буюртмачиларингиз тасодифий кишилар бўлиб, келгусида улар билан ҳамкорлик қилишни режалаштирмаётган бўлганингизда ҳам (масалан, улар дўконга келувчилар бўлса) бу тизим ортиқча бўлади.

Бунинг устига аксарият вақтда CRMни жорий этиш муваффақиятсизлик билан тугайди. Лойиҳа сизга ваъда қилишганидан анча қимматга тушишига тайёр турунг. Фойдаланувчилар – компания ходимларини ўқитишга ҳам харажат қилишга тўғри келади. Бундан сўнг уларнинг иш ҳақини ҳам оширишингиз керак. Гап шундаки, CRM формати билан ишлашни биладиган менежерлар меҳнат бозорида жуда талабчандир.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI MA'ALUM QILADI:

● **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MA'KAMASINING QARORI**

– «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ХУЖЖАТ**

– МВ, ДСҚнинг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MA'KAMASINING
QARORI

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MA'KAMASINING IQTISODIYET VA
TASHQI IQTISODIY ALOQALAR MASALALARI YIFMA AXBOROT-TAHLIL
DEPARTAMENTI TUGRISIDAGI NIZOMNI TASDIQLASH HAQIDA**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 3-4-сон, 11-модда)

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 9 январдаги ПҚ-770-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги янгиланган низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил

3 августдаги 183-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари Р.В.Абдуқодиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 14 январь
6-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 14 январдаги 6-сон қарорига
ИЛОВА

**ИQTISODIYET VA TASHQI IQTISODIY ALOQALAR MASALALARI
YIFMA AXBOROT-TAHLIL DEPARTAMENTI TUGRISIDAGI
NIZOM**

I. UMUMIY QOIDALAR

1. Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Йиғма департамент деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аппаратининг таркибий бўлими ҳисобланади.

2. Йиғма департаментнинг фаолияти куйидаги асосий вазифаларни бажаришга:

макроиқтисодий кўрсаткичлар ва ижтимоий ривожланишнинг ўсиши тизимли мониторингини олиб боришга, макродаражада, шунингдек тармоқлар ва ҳудудлар бўйича иқтисодий ривожланиш тенденцияларини чуқур ва комплекс таҳлил қилишга, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги номутаносибликларни аниқлашга;

макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришни, ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлайдиган ҳамда иқтисодиётни барқарор суръатда ўстиришга, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини оширишга йўналтирилган стратегик вазифалар бўйича таклифлар ишлаб чиқишга;

иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини модернизация қилиш ҳамда республика ҳудудларини комплекс ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш масала-

ларида Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари, марказий иқтисодиёт органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва илмий-тадқиқот тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиришга;

мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан ва жаҳон бозоридаги жараёнларни баҳолашдан келиб чиққан ҳолда, хорижий давлатлар, давлатларнинг минтақавий бирлашмалари, халқаро иқтисодиёт ташкилотлари ва молия институтлари билан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга, биринчи навбатда, қўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотлар салмоғини, экспорт таркибида хизматлар ҳажмини янада ўстириш ҳисобига республиканинг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган республиканинг ташқи иқтисодий ҳамкорлиги устувор вазифалари бўйича таклифлар ишлаб чиқишга;

қабул қилинаётган қарорларнинг алоҳида тармоқларга, ҳудудларга ва умуман мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қисқа муддатли ва узоқ муддатли таъсирини комплекс баҳолашни ўз ичига оладиган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертиза қилинишини таъминлашга;

ривожланишнинг мақсадли дастурлари амалга ошири-

лиши, давлат ва хўжалик бошқарувининг ҳар бир даражасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари бажарилиши тизимли, комплекс ва қатъий назорат қилинишини таъминлашга;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси аппаратини Йиғма департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ахборотлар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Йиғма департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Йиғма департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Йиғма департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосарига, ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича эса — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунди.

5. Йиғма департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида ташкил этилган ахборот-таҳлил бошқармаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган ахборот-таҳлил гуруҳлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларига ва Йиғма департаментга ҳисоб беради.

Йиғма департамент ўзига ҳисоб берадиган Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар марказига раҳбарлик қилади ва унинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи, ахборот-таҳлил гуруҳлари раҳбарлари, шунингдек кўрсатиб ўтилган ҳудудий бўлинмалар мутахассислари лавозимга тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан Йиғма департамент мудирини билан келишилган ҳолда тайинланади.

II. ЙИҒМА ДЕПАРТАМЕНТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

8. Қуйидагилар Йиғма департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) макроиқтисодий ривожлантириш ва банк-молия тизимини ислоҳ қилиш соҳасида:

марказий иқтисодий идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппарати департаментларининг ахборот-таҳлилий фаолиятини мувофиқлаштириш асосида мамлакатда иқтисодий, ижтимоий, таркибий ва институционал ислохотларнинг амалга оширилишини мунтазам ва комплекс ўрганишни ташкил этиш, мамлакатни макроиқтисодий ривожлантириш тенденциялари ва истиқболларини, қабул қилинаётган қарорларнинг уларга таъсирини таҳлил қилиш;

макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини, мамлакат аҳолисини иш билан банд этиш ва уларнинг турмуш даражасини оширишни таъминлашнинг стратегик вазифаларини бажаришга йўналтирилган иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

макроиқтисодий аҳвол ва иқтисодиётдаги таркибий сифат ўзгаришлари, ривожланишнинг комплекс мақсадли дастурлари амалга оширилиши, шу жумладан маълумотларнинг тегишли базаларини яратиш ва уларни таҳлил қилиш асосида банк-молия тизимини ислоҳ қилиш мониторинги тизимини яратиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Аппарати департаментлари томонидан тайёрланадиган муҳим иқтисодий, ижтимоий муаммолар, институционал ва таркибий ислохотлар, шу жумладан банк-молия тизимини ислоҳ қилиш бўйича Ҳукуматнинг мақсадли дастурлари ва қарорлари лойиҳаларини республиканинг стратегик манфаатлари ва мақсадларига мувофиқлик юзасидан эксперт баҳолаш, уларнинг ривожланишнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига таъсирини баҳолаш;

мақолалар, оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни макроиқтисодий ва ижтимоий вазият тўғрисида хабардор қилиш мақсадида ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлашни ва тарқатишни, халқаро молия ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликдаги ишларни ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан материал ва қиймат баланслари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш;

б) ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришлар соҳасида:

марказий иқтисодиёт идораларини ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларини, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини жалб этган ҳолда мамлакат тармоқлари ва минтақаларида иқтисодий, ижтимоий, таркибий ва маъмурий ислохотларнинг амалга оширилишини мунтазам ва комплекс таҳлил қилишни ташкил этиш;

тармоқларда ва минтақаларда, шу жумладан маълумотларнинг тегишли базаларини яратиш асосида ижтимоий-иқтисодий аҳвол, ижтимоий муҳофаза, аҳолини иш билан таъминлаш ва таркибий иқтисодий ислохотлар, инвестиция дастури, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини модернизация қилиш, техник жиҳатдан янгилаш ва технология билан қайта жиҳозлаш дастурлари, маҳаллийлаштириш дастури амалга оширилишини назорат қилиш мониторингини олиб бориш тизимини яратиш;

иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш, аҳолини иш билан банд этиш, уларнинг даромадларини кўпайтириш ва турмуш даражасини оширишни таъминлаш мақсадида иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришлар, амалга оширилаётган бозор ислохотларини чуқурлаштириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, инновацион ривожланиш механизминини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппарати департаментлари томонидан ишлаб чиқилган муҳим таркибий ислохотлар, иқтисодиётни модернизация қилиш, ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммолари бўйича тармоқ ва ҳудудий дастурлар, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини эксперт баҳолаш;

тармоқлар ва ҳудудлар даражасида иқтисодий ислохотлар, иқтисодий ривожланиш дастурлари, қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бажарилишини назорат қилиш;

в) ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида:

капитал ва товар-хон ашё ресурсларининг халқаро бозорлари ривожланиши тенденцияларини таҳлил қилиш, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш ва баҳолаш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодиёт ва молия институтлари билан ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан ва жаҳон бозоридаги жараёнларга баҳо беришдан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, давлатларнинг минтақавий бирлашмалари, халқаро иқтисодий ташкилотлар ва молиявий институтлар билан ташқи иқтисодий алоқалар бўйича устувор вазифаларини ишлаб чиқиш;

экспорт ҳажмларини янада кўпайтириш ва унинг таркибини такомиллаштириш, импортни мақбуллаштириш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фао-

лиятини мувофиқлаштириш;

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти мамлакатлари билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик доирасида, шунингдек минтақавий иқтисодий ташкилотлар билан давлатлараро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳамда шартномавий-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ишларини мувофиқлаштириш.

9. ЙИҒМА департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

мамлакатни ва минтақаларни макроиқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантириш, таркибий ислохотларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича маълумотлар тизимлаштирилган базасининг яратилишини, юритилишини ва мунтазам янгилаб борилишини таъминлайди;

ўзи мутасаддилик қиладиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради ва таҳлил қиладиган, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари учун, шунингдек уларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқиш учун тегишли маълумотномалар, таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

минтақаларда ишларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳолини, иқтисодий, таркибий ва маъмурий ислохотлар, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукуматнинг қарорлари бажарилишини, шу жумладан жойига борган ҳолда, ўрганади, ўрганиш натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига ахборот бериш учун тегишли таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқлари ижросини назорат қиладиган;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади ҳамда улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари бўйича мажлисларини тайёрлаш билан боғлиқ материалларни ишлаб чиқишда ва қарорларни расмийлаштиришда қатнашади, шунингдек мазкур материаллар тўғрисида Бош вазирнинг биринчи ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлис қарорларининг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларининг давлат ва хўжалик бошқарувининг манфаатдор органлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради, ЙИҒМА департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқирилишини ва белгиланган тар-

тибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил этади;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги ахборот-таҳлил бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ахборот-таҳлил гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қиладиган;

фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқади ва уларда кўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу муурожаатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқирилишини назорат қиладиган, фуқароларни қабул қилишни амалга оширади;

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича мақсадли дастурларнинг, мазкур масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорларининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва натижаларини умумлаштиришни таъминлайди, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни такомиллаштиришга йўналтирилган механизмларни ишлаб чиқиш бўйича таклифларни умумлаштиради, фуқароларнинг пенсия таъминоти, ёрдамга муҳтож оилаларни ва аҳолининг айрим қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ишсизларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича ахборот-таҳлилий материалларни республика минтақалари, шунингдек иқтисодиёт соҳалари бўйича умумлаштиради;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. ЙИҒМА ДЕПАРТАМЕНТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

10. ЙИҒМА департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, Вазирлар Маҳкамаси департаментларининг макроиқтисодий ривожлантириш, ижтимоий, таркибий ва институционал ислохотлар, иқтисодиёт тармоқларини, секторларини ва минтақаларни иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий ва прогнозлаш фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

марказий иқтисодиёт органлари, уларнинг илмий-тадқиқот марказлари ва институтлари ходимларини, маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда ахборот ва таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш учун вақтинчалик эксперт таҳлил гуруҳлари ташкил этиш;

халқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар, семинарлар ва кенгашлар ишида, шунингдек иқтисодий, ижтимоий, институционал ва таркибий ислохотлар, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш муаммоларининг ахборот-таҳлилий тадқиқотлари соҳасидаги халқаро лойиҳаларда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, шунингдек халқаро, хорижий, молия ва иқтисодиёт ташки-

лотлари, хорижий ҳукумат муассасалари билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича мустақил ёзиш-маларни юритиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиял органлари мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир биринчи ўринбосарининг топшириғига биноан эса давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Йиғма департамент тасарруфидаги соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлисларида ва йиғилишларида қатнашиш;

